



# Ипотека кредитлари шарҳи

---

2021 йил якунлари бўйича

Январь 2022 | Тошкент

## МУНДАРИЖА

Ўзбекистонда ипотека кредитлари бозори .....	2
" Янги тартиб " доирасида ажратилган ипотека кредитлари .....	13
Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси маблағлари ҳисобидан ажратилган ипотека кредитлари .....	17
Ипотека кредитларининг сўндирилиши ҳолати.....	21
Иловалар .....	24

## Ўзбекистонда ипотека кредитлари бозори

Аҳолининг уй-жойга бўлган талаби ошиб бориши ҳамда уларни уй-жой билан таъминлашга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ипотека кредитлар ҳажмининг ошишига сабаб бўлди.

2022 йил 1 январь ҳолатига ипотека кредитлари қолдиғи **35,8** трлн. сўмни ташкил этиб, 2021 йилнинг мос даврига нисбатан **26,8** фоизга (*7,5 трлн. сўмга*) ўсган бўлса, мазкур даврда ажратилган ипотека кредитлари эса ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **7,4** фоизга ёки **671,8** млрд. сўмга ошиб, **9,8** трлн. сўмни ташкил этди.

2021 йилда “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК ҳамда “Ўзшаҳар қурилиш инвест” ИК томонидан қурилган уйларни сотиб олиш учун ажратилган ипотека кредитларининг жами ажратилган ипотека кредитларидаги улуши **21,7** фоизни (*2 124,0 млрд. сўм*) ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **40,9** фоизга (*3 148,7 млрд. сўмга*) камайган бўлса, мазкур даврда аҳолини уй-жой билан таъминлашнинг бозор тамойилларига асосланган **“янги тартиби”** (*кейинги ўринларда “янги тартиб” деб юритилади*) доирасида ажратилган ипотека кредитларининг улуши **19,1** фоиздан (*1 744,6 млрд. сўмдан*) **49,5** фоизга (*4 846,2 млрд. сўмга*) ошди.

“Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” АЖ маблағлари ҳисобидан тижорат банклари томонидан ажратилган ипотека кредитларининг жами ажратилган ипотека кредитларидаги улуши **20** фоизга (*1 956,8 млрд. сўмга*) етди.

Шунингдек, иккиламчи бозордан уй-жой сотиб олиш учун ажратилган ипотека кредитларининг жами ажратилган ипотека кредитларидаги улуши **25** фоизгача (*2 442,6 млрд. сўмга*) ўсди. (1-жадвал).

**Ипотека кредитларининг асосий кўрсаткичлари<sup>1</sup>**

	2019 йил	2020 йил	2021 йил
<b>Ажратилган ипотека кредитлари, млрд. сўмда</b>	<b>7 977</b>	<b>9 122</b>	<b>9 794,1</b>
- бирламчи бозорда	7 709	8 841	7 351,5
- иккиламчи бозорда	268	281	2 442,6
<b>“Янги тартиб” доирасида ажратилган ипотека кредитлари, млрд. сўмда</b>	<b>0</b>	<b>1 746</b>	<b>4 846,2</b>
- 1 ва 2 хонали квартира учун	0	748	2 442,4
- 3 ва ундан кўп хонали квартира учун	0	998	2 083,8
- якка тартибдаги уй-жойлар учун	0	0	320,0
<b>“Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” АЖ маблағлари ҳисобидан ажратилган ипотека кредитлари, млрд. сўмда</b>	<b>0</b>	<b>61,9</b>	<b>1 956,8</b>
- бирламчи бозордаги уй-жойларга	0	0,9	2,4
- иккиламчи бозордаги уй-жойларга	0	60,7	1 931,2
- уй-жойни таъмирлашга	0	0,3	23,2
<b>Ипотека кредитлари қолдиғи, трлн. сўмда</b>	<b>01.01.2020 й.</b>	<b>01.01.2021 й.</b>	<b>01.01.2022 й.</b>
	<b>20,4</b>	<b>28,3</b>	<b>35,8</b>

Таъкидлаб ўтиш лозимки, 2021 йилда ажратилган ипотека кредитлари таркибий ўзгаришлар натижасида ўсиши билан бир қаторда, ипотека кредитларига бўлган талаб юқориликча қолмоқда ҳамда мазкур талаблар, энг аввало:

- иқтисодий кўрсаткичларнинг жадал ўсиши (*ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ялпи ички маҳсулот 7,4 фоизга, аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот 5,3 фоизга ҳамда асосий капиталга бўлган инвестициялар 5,2 фоизга ўсиши*);

- аҳоли сонининг доимий ўсиб бориши (*2022 йил 1 январь ҳолатига аҳоли сони 35,2 млн. кишини ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 102,1 фоизни ташкил этиши*);

- республикада инвестицион фаолликнинг ошиши натижасида қурилиш соҳасида фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий тармоқлардаги улуши ошиши;

- янги тартиб жорий этилиши натижасида тижорат банклари ипотека кредитлари ажратиш учун барқарор ресурс манбаи билан таъминланаётганлиги;

<sup>1</sup> Ипотека кредитларининг фоиз кўрсаткичлари ўтган йилларнинг мос даврига нисбатан ҳисобланган.


▪ иккиламчи ипотека бозоридан уй-жой сотиб олиш, якка тартибдаги уй-жой курилиши учун ва улушдор жисмоний шахсларга ажратиладиган ипотека кредитларининг соддалаштирилганлиги билан изоҳланади.

Юқорида қайд этилган ва бошқа бир қатор омиллар натижасида 2018 – 2021 йиллар давомида ипотека кредитлари қолдиғи **2,6** баробарга (22,0 трлн. сўмга), ипотека шартномалари сони эса қарийб **1,8** баробарга (121,0 минг донага) ошган. (1-расм).

1-расм


### Ипотека шартномалари сони

минг дона



### Ипотека кредитлари қолдиғи


трлн.сўмда



2022 йил 1 январь ҳолатига ипотека кредитлари қолдиғининг жами кредит қолдиғига нисбатан улуши **11,0** фоизни (35,8 трлн. сўм) ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **26,8** фоизга (7,5 трлн. сўмга) ошган. (2-расм).

2-расм


### Жами кредит портфелида ипотека кредитлари қолдиғининг улуши, фоизда



Худудлар кесимида, **Тошкент шаҳрида** ипотека кредитлари қолдиғи **8,3** трлн. сўмни (ҳудуднинг жами кредит қолдиғидаги улуши 5 фоиз), Самарқандда **3,2** трлн. сўм (*20 фоиз*), **Тошкент вилоятида 2,7** трлн. сўм (*14 фоиз*), **Фарғонада 2,6** трлн. сўм (*19 фоиз*), **Қашқадарёда 2,5** трлн. сўмни (*20 фоиз*) ташкил этди. (3-4-расмлар).


3-расм

**2022 йил 1 январь ҳолатига ҳудудлар кесимида ипотека кредити қолдиғининг жами кредит портфелидаги улуши, фоизда**



4-расм

**Ипотека кредитларининг тижорат банклари умумий кредит портфелидаги улуши, фоизда**




Ажратилган ипотека кредитлари қолдиғининг **30,6** фоизи (*10,9 трлн. сўм*) **Ипотека банк**, **23,6** фоизи (*8,4 трлн. сўм*) **Қишлоққурилишбанк**, **12,7** фоизи (*4,5 трлн сўм*) **Миллийбанк**, **9,1** фоизи (*3,2 трлн. сўм*) **Асакабанк**, **9,1** фоизи (*3,2 трлн. сўм*) **Ўзсаноатқурилишбанк**, **4,6** фоизи (*1,6 трлн. сўм*) **Халқ банки**



ҳамда **10,4** фоизи (*3,7 трлн. сўм*) **бошқа тижорат** банклари ҳиссасига тўғри келмоқда. (5-расм).

5-расм


**2022 йил 1 январь ҳолатига ипотека кредити қолдиғида тижорат банкларининг улуши, фоизда**




Ипотека кредитлари қолдиғининг **199,0** млрд. сўми (*жами ипотека кредити қолдиғининг 0,6 фоизи*) **7 йил, 2 037,7** млрд. сўми (*5,7 фоизи*) **10 йил, 9 136,8** млрд. сўми (*25,5 фоизи*) **15 йил, 24 452,1** млрд. сўми (*68,3 фоизи*) **20 йилгача** ажратилган ипотека кредитлари ҳиссасига тўғри келган. (6-расм).

6-расм

**Ипотека кредити портфелининг муддатлар бўйича таҳлили, фоизда**




**Ипотека кредити портфелининг муддатлар бўйича таҳлили, мингда**



2021 йилда жисмоний шахсларга ажратилган жами кредитлар қолдиғи (*69,5 трлн. сўм*) таркибида ипотека кредитлари қолдиғининг улуши **51,6** фоизни ташкил этган. (7-расм).


### Ипотека кредити қолдиғининг жисмоний шахсларга ажратилган жами кредитлар қолдиғига нисбати



Жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар қолдиғи ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **26,6** фоизга (*14,6 трлн. сўмга*) ошган бўлса, ипотека кредитлари қолдиғи **26,5** фоизга (*7,5 трлн. сўмга*) ўсган.

Шунингдек, 2021 йилда ажратилган ипотека кредитларининг ялпи ҳудудий маҳсулотга нисбати **Сурхондарё** (*2,4 фоиз*), **Тошкент шаҳри** (*2,2 фоиз*), **Фарғона** вилоятларида (*1,9 фоиз*) ҳамда **Сирдарё** (*1,7 фоиз*) нисбатан юқори шаклланган бўлса, энг паст кўрсаткичлар **Навоий** (*0,8 фоиз*), **Тошкент** (*0,8 фоиз*) ва **Қашқадарё** (*1,0 фоиз*) вилоятлари ҳиссасига тўғри келмоқда. (8-расм).

### Ажратилган ипотека кредитлари ва қолдиғининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши, фоизда






## 2021 йилда ажратилган ипотека кредитлари

Худудлар кесими бўйича таҳлил қилинганда, 2022 йил 1 январь ҳолатига ажратилган ипотека кредитларининг **60,2** фоизи **5** та худудлар ҳиссасига тўғри келиб, бунда **27,2** фоизи (*2 666,3 млрд. сўм*) **Тошкент шаҳри**, **9,4** фоизи (*917,2 млрд. сўм*) **Фарғона** вилояти, **9,0** фоизи (*883,5 млрд. сўм*) **Самарқанд** вилояти, **7,5** фоизи (*730,1 млрд. сўм*) **Сурхондарё** вилояти ҳамда **7,2** фоизи (*700,8 млрд. сўм*) **Андижон** вилоятида истиқомат қилувчи фуқароларга ажратилган. (9-расм).

9-расм.


### 2021 йилда ажратилган ипотека кредитлари, млрд. сўмда



Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, худудлар кесимида ажратилган ипотека кредитлари сони ҳамда мазкур худудда **1 км.кв.га тўғри келадиган аҳоли сони** ўртасида боғлиқлик эластиклик юқори шаклланган бўлиб, улар сонининг ошиши ипотека кредитига бўлган талабни ошишини кўрсатмоқда.


Хусусан, 2021 йилда ажратилган ипотека кредитларининг юқори сони **Тошкент шаҳрида 10,7** мингта (*1 кв. км.га тўғри келадиган аҳоли сони 8035 нафар*), **Фарғонада 6,3** мингта (*576 нафар*) **Самарқандда 4,9** мингтани (*240 нафар*) ташкил этмоқда. (10-расм).

### Худудларда аҳоли зичлиги ҳамда ажратилган ипотека кредитлари сони ўртасида боғлиқлик чизмаси



2021 йилда тижорат банклари томонидан ажратилган ипотека кредитларининг **5** фоизи (*кредит шартнома сони 3 318 та*) 100 млн.сўмгача, **49** фоизи (*28 959 та*) 101-200 млн.сўмгача, **34** фоизи (*20 014 та*) 201-300 млн.сўмгача, **10** фоизи (*6 254 та*) 301-400 млн.сўмгача, **2** фоизи (*1 025 та*) 401 млн.сўмдан юқори миқдорни ташкил этган. (11-расм)


### 2021 йилда ажратилган ипотека кредитларининг таркибий улуши



2021 йилда барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан ажратилган ипотека кредитлари асосида уй-жойларнинг ўртача нархлари таҳлил қилинганда, хонадонларнинг нисбатан баландроқ нархи Тошкент шаҳрида (381,9 млн. сўм), Андижон (280,1 млн. сўм), Самарқанд (275,3 млн. сўм) ва Сурхондарё (274,3 млн. сўм) вилоятларида шаклланган бўлса, нисбатан паст нархлар Хоразм вилояти (218,6 млн. сўм), Қорақалпоғистон Республикаси (226,4 млн. сўм), Қашқадарё (227,3 млн. сўм), Бухоро (229,1 млн. сўм), Наманган (230,2 млн. сўм), Фарғона (230,8 млн. сўм), Навоий (241,7 млн. сўм), Тошкент (243,8 млн. сўм), Сирдарё (251,8 млн. сўм), Жиззах (271,2 млн. сўм), Сурхондарё (274,3 млн. сўм), Самарқанд (275,3 млн. сўм), Андижон (280,1 млн. сўм) ва Бухоро (229,1 млн. сўм) вилоятларида кузатилди. (12-расм)


12-расм

### Хонадонларнинг ўртача нархи (млн. сўмда)




Шунингдек, ҳисобот санаси ҳолатига ажратилган ипотека кредитлари таркибида “янги тартиб” доирасида ажратилган ипотека кредитларининг улуши ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **2,8** баробарга (3 101,6 млрд. сўмга), “Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлар эса **31,7** баробарга (1 895,1 млрд. сўмга) ошган бўлса, банк маблағлари ҳисобидан ҳамда “Қишлоққурилишинвест” ИК ва “Ўзшаҳарқурилишинвест” ИК томонидан қурилган уйларни сотиб олиш учун ажратилган ипотека кредитларининг улуши **40,9** фоизга (4 324,7 млрд. сўмга) камайган. (13-расм).

**2020 - 2021 йиллар давомида ажратилган ипотека кредитлари таркибий улуши, фоизда**




2021 йилда ажратилган ипотека кредитларининг **24** фоизи (2 349,2 млрд. сўм) 18-30 ёшгача, **69** фоизи (6 733,2 млрд. сўм) 31-50 ёшгача, **7** фоизи (711,7 млрд. сўм) эса 50 ёшдан юқори фуқароларга ажратилган. (14-расм).


**2021 йилда ажратилган ипотека кредитлари миқдорларининг  
ёш бўйича таснифи, фоизда**



**31-50 ёшгача**



**18-30 ёшгача**



**50 ёшдан юқори**

Шунингдек, **бирламчи** бозордаги уйларни сотиб олиш учун **46 229** нафар фуқарога (*жамига нисбатан 78 фоиз*) **7 351,5** млрд. сўм ва **иккиламчи** бозордаги уйларни сотиб олиш учун **13 341** нафар фуқарога (*22 фоиз*) **2 442,6** млрд. сўм миқдоридан ипотека кредитлари ажратилган.

**2021 йилда амалда бўлган шартлар асосида ажратилган ипотека  
кредитлари қайтарилишида ойлик тўловлари миқдори**

2-жадвал


Т/р	Кредит миқдори	Кредит муддати	Кредит йиллик фоиз ставкаси	Тўлов усули	Ойлик тўлов
1	100 млн. сўм	20 йил	17 %	Аннуитет ( <i>ҳар ойда тенг миқдорларда</i> )	1 466 801 сўм
2	150 млн. сўм				2 200 201 сўм
3	200 млн. сўм				2 933 601 сўм
4	250 млн. сўм				3 667 001 сўм
5	300 млн. сўм				4 400 402 сўм
6	350 млн. сўм				5 133 802 сўм
7	400 млн. сўм				5 867 202 сўм

## “Янги тартиб” доирасида ажратилган ипотека кредитлари

2021 йилда “янги тартиб” доирасида **22 602** нафар фуқароларга жами **4 846,2** млрд. сўм (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **2,8** баробарга ёки **3 094,8** млрд. сўмга кўп) миқдоридаги ипотека кредитлари ажратилди. Ипотека кредитларининг **2 442,4** млрд. сўми (**50** фоизи) **1** ва **2** хонали квартира, **2 083,7** млрд. сўми эса (**43** фоизи) **3** ва ундан кўп хонали квартираларни, шунингдек, **320,0** млрд. сўми (**7** фоизи) **якка тартибдаги уй-жойларни** сотиб олиш учун берилган.

15-расм

### “Янги тартиб” доирасида тижорат банклари томонидан аҳолига ажратилган ипотека кредитлари, млрд. сўмда




Ажратилган мазкур ипотека кредитларининг энг юқори улушлари **Тошкент** шаҳри (**853,0** млрд. сўм), **Самарқанд** вилояти (**682,3** млрд. сўм), **Фарғона** вилояти (**624,4** млрд. сўм) ҳамда **Андижон** вилоятлари (**504,5** млрд. сўм) ҳиссасига тўғри келмоқда. (15-расм).

2020 - 2021 йилларда “янги тартиб” доирасида тижорат банклари томонидан аҳолига **6 593,2** млрд. сўм миқдоридаги ипотека кредитлари ажратилиб, уларнинг энг юқори улуши **Ипотека банк** (**34,3** фоизи), **Ўш** (**24,1** фоизи), **Миллийбанк** (**11,6** фоизи), **Халқ банки** (**6,0** фоизи) ҳамда **24** фоизи бошқа иштирокчи тижорат банклари ҳиссасига тўғри келмоқда. (16-расм).




**2020 - 2021 йилларда янги тартиб доирасида тижрат банклари томонидан аҳолига ажратилган ипотека кредитлари, млрд. сўмда**



2020 – 2021 йилларда “янги тартиб” доирасида ажратилган ипотека кредитларининг **37** фоизи (*10 787 нафар фуқароларга 2 420,8 млрд. сўм*) уй-жой шароитларини яхшилашга мухтож субсидия хабарномасига эга фуқароларга ажратилган.

**“Янги тартиб” доирасида субсидия хабарномасига эга фуқароларга ажратилган ипотека кредитлари, млрд. сўмда**




Мазкур кредитларнинг **635,7** млрд. сўми (*26,3* фоизи) **Самарқанд**, **314,0** млрд. сўми (*12,9* фоизи) **Тошкент шаҳри**, **313,5** млрд. сўми (*12,9* фоизи) **Сурхондарё**, **286,1** млрд. сўми (*11,8* фоизи) **Наманган** вилоятларида истиқомат қилувчи уй-жой шaroитларини яхшилашга муҳтож фуқаролар ҳиссасига тўғри келади.(17-расм).

Шунингдек, ажратилган ипотека кредитлари бўйича ўртача фоиз ставкаси **17,3** фоизни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **0,2** фоиз бандга пасайган.

2020 - 2021 йилларда **“янги тартиб”** доирасида ажратилган ипотека кредитларини ўртача энг паст фоиз ставкаси жорий йил апрель ойида кузатилиб, **17,2** фоизни ташкил этди. (18-расм).

18-расм

### Марказий банкнинг асосий ставкаси ҳамда янги тартиб доирасида ажратилган ипотека кредитларининг ўртача фоиз ставкаси, *фоизда*



“Янги тартиб” доирасида ажратилган ипотека кредитлари ўртача фоиз ставкасининг пасайиш тенденциясига эга бўлиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги ПФ-5886-сон “Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида Марказий банкнинг асосий ставкаси пасайтирилган тақдирда, Молия вазирлиги томонидан ажратилган маблағлар ва тижорат банкларининг ипотека кредитлар фоизлари мос равишда камайиши, оширилган тақдирда эса ўзгаришсиз қолиши бўйича белгиланган тартиб билан изоҳланади.

Хусусан, Марказий банкнинг асосий ставкаси 2020 йилда **16** фоиздан **14** фоизга туширилди ва бу ўз навбатида, ипотека кредитлари бўйича фоиз ставкаларининг ҳам пасайишига олиб келди.

Шу билан бирга, Молия вазирлиги томонидан **“янги тартиб”** доирасида иштирокчи тижорат банкларида тақдим этилаётган ресурс маблағлари тижорат

банкларига аҳолининг ипотека кредитларига бўлган талабини ўз вақтида қоплашга ҳамда тижорат банклари ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу ҳам, ўз навбатида, ипотека кредитлари фоиз ставкасининг пасайишига омил бўлмоқда.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 ноябрдаги ПФ-5877-сон “Инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонида белгиланган 2023 йилгача 5 фоизлик инфляцион мақсадга эришиш вазифаси белгиланган.

Келгусида инфляция даражасининг тушиши Марказий банк асосий ставкаси ва “янги тартиб” доирасида ажратиладиган ипотека кредитлари фоизининг мутаносиб тарзда пасайишига иқтисодий асос бўлади.

### Ўзбекистон ва бошқа қўшни давлатларда ипотека кредитлари ҳолати бўйича солиштирма маълумот

	Ўзбекистон	Россия	Қозоғистон	Қирғизистон
Қайта молиялаш ставкаси, %	14	8,5	10,25	8 (30.11.2021й. дан)
Ипотека кредитининг йиллик ўртача фоизи, %	17,5	7,7	8,4	12,8
Ипотека кредитининг ўртача муддати	17,1 йил	20,9 йил	9 йил	9,8 йил
Ипотека кредитининг энг узоқ муддати	20 йил	30 йил	25 йил	25 йил
Ипотека кредитининг ўртача миқдори, \$	18 791 \$	45 500 \$ (10/2021й.)	29 425 \$	*
	2019 йил	3,8	17,5	3
Ипотека портфелининг ЯИМ даги улуши, %	2020 йил	4,9	9,4	5
	2021 йил	5,3	10,5 (07/2021й.)	3,8 (08/2021й.)
Пойтахтда янги қурилган уйларнинг ўртача нархи (1 м.кв.)	811 \$	3721 \$	912 \$	798 \$
Пойтахтда иккиламчи бозордаги уйларнинг ўртача нархи (1 м.кв.)	740 \$	3546 \$	808 \$	770 \$

Манбаа: макроиқтисодий таҳлилларга оид расмий вебсаҳифалар ва иқтисодий тадқиқотлар марказлари анализлари асосида; Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаш компанияси.


## Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси маблағлари ҳисобидан ажратилган ипотека кредитлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 майдаги ПФ-5715-сон “Ипотека кредити бозорини ривожлантириш ва кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ижроси юзасидан бугунги кунда **9** та тижорат банклари (*Ипотека банк, Асака банк, Ўзмиллийбанк, Ўзсаноатқурилишбанк, Қишлоққурилишбанк, Агробанк, Туронбанк, Ҳамкорбанк ва Халқ банки*) томонидан “Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” АЖ маблағлари ҳисобидан **бирламчи** ва **иккиламчи** уй-жой бозорларида **квартиралар сотиб олиш (400,0 млн. сўмгача)** ҳамда **таъмирлаш** учун (**80,0 млн. сўмгача**) ипотека кредитлари ажратилмоқда.

2022 йил 1 январь ҳолатида тижорат банклари томонидан мазкур компания ресурс маблағлари ҳисобидан **10 570** нафар фуқароларга **1 956,8** млрд. сўм миқдоридagi ипотека кредитлари ажратилди. Мазкур ипотека кредитларининг **98,7** фоизи (**1 931,2 млрд. сўм**) **иккиламчи** бозордан, **0,1** фоизи (**2,4 млрд. сўм**) **бирламчи** бозордан уй-жойлар харид қилиш учун, шунингдек, **1,2** фоизи (**23,2 млрд. сўми**) **уй-жойларни таъмирлаш** учун йўналтирилган.

19-расм

### 2021 йилда Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси маблағлари ҳисобидан ажратилган ипотека кредитлари, млрд. сўмда




Ажратилган ипотека кредитларининг **30,9** фоизи (**605,3 млрд. сўм**) **Тошкент шаҳри**, **11,7** фоизи (**229,7 млрд. сўм**) **Тошкент** вилояти, **8,6** фоизи (**169,0 млрд. сўм**) **Навоий**, **6,4** фоизи (**124,4 млрд. сўм**) **Хоразм**, **6,3** фоизи (**123,4 млрд. сўм**) **Қорақалпоғистон Республикасида** истиқомат қилувчи фуқаролар ҳиссасига тўғри келади. (19-расм).

2021 йилда Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси маблағлари ҳисобидан ажратилган ипотека кредитларининг (**1 956,8 млрд. сўм**) нисбатан юқори улуши **Ўзсаноатқурилишбанк 21,4** фоизни, **Ҳамкорбанкда**

20,4 фоизни, Ипотека банкда 17,3 фоизни, Асака банкда 12,5 фоизни ташкил этган бўлса, нисбатан паст кўрсаткичлар Ўзмилийбанк (3,0 фоиз) ҳамда Халқ банки (1,3 фоиз) ҳиссасига тўғри келмоқда. (20-расм).

20-расм


**Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси маблағлари ҳисобидан ажратилган ипотека кредитларда тижорат банкларининг улуши, фоизда**




### **Тижорат банклари томонидан қурилиш пудрат ташкилотларига ажратилган кредитлари ҳолати**

2022 йил 1 январь ҳолатига тижорат банклари томонидан пудрат ташкилотларига уй-жойлар қуриш учун ажратилган кредитлар қолдиғи **2 050,6** млрд. сўмни (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **67** фоизга ёки 822,9 млрд. сўмга ўсган) ташкил этиб, уларнинг юқори улуши **Сурхондарё** (21,9 фоизи), **Жиззах** (17,1 фоизи), **Сирдарё** (9,4 фоизи) ва **Тошкент вилоятлари** (8,9 фоизи) ҳиссасига тўғри келмоқда. (21-22-расмлар).

**Тижорат банклари томонидан пудрат ташкилотларига уй-жойлар қуриш учун ажратилган кредитлар қолдиғи, млрд. сўмда**



**Тижорат банклари томонидан 2021 йилда уй-жойлар қуриш учун пудрат ташкилотларига ажратилган кредитлар, млрд. сўмда**



Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан хусусий пудрат ташкилотларига **янги тартиб** доирасида **шаҳарларда 7 ва ундан юқори, қишлоқ жойларида 5 ва ундан юқори** қаватли ҳамда **Тошкент шаҳрида 9 ва ундан юқори** қаватли кўп квартирали уй-жойлар қуриш учун ажратилган тижорат банкларининг миллий валютадаги кредитлари бўйича:

- кредит суммасининг **50** фоизигача, лекин **8** млрд. сўмдан ошмаган миқдорда **кафиллик**;




- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки асосий ставкасининг **1,75** бараваридан ошмайдиган ва кредит суммаси **10** млрд. сўмдан ортиқ бўлмаган қисми бўйича фоиз ставкасининг Марказий банк асосий ставкасидан ошадиган, бироқ **10** фоиз пунктдан кўп бўлмаган қисмини қоплаш учун кредитнинг олинган кундан бошлаб **24** ойдан ортиқ бўлмаган муддат давомида қурилаётган кўп қаватли уй-жойдаги жами квартиралар сонининг камида **70** фоизи майдони **70** квадрат метрдан ошмаган квартиралар ташкил этганда **компенсация** тўланмоқда.

2022 йил 1 январь ҳолатига Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан **57** та пудрат ташкилотларига **95,6** млрд. сўм миқдоридagi **кафиллик** тақдим этилди ҳамда **44,8** млрд. сўм миқдоридagi **компенсация** маблағлари тўлаб берилган. (23-расм)

23-расм

**Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан хусусий пудрат ташкилотларига тақдим этилган кафиллик ва компенсация маблағлари, млрд. сўмда**




## Ипотека кредитларининг сўндирилиши ҳолати

Жами ипотека кредит қолдиғининг **0,2** фоизи (*77,4 млрд. сўм*) **2010 йилгача**, **11,8** фоизи (*4 238,4 млрд. сўм*) **2011-2016 йиллар** давомида, **88,0** фоизи (*31 509,9 млрд. сўм*) **2017-2021 йилларда** ажратилган ипотека кредитлари ҳиссасига тўғри келади. (24-расм).

24-расм

Ипотека кредити қолдиғининг ажратилган даври бўйича тақсимоти, *фоизда*



2022 йил 1 январь ҳолатига **Қишлоқ қурилиш банк** томонидан **543** млрд. сўм (*жами сўндирилган ипотека кредитларининг 24,4 фоизи*) сўндирилган бўлса, мазкур кўрсаткич **Ипотека-банкда 494** млрд. сўмни (*22,2 фоиз*), **Миллийбанкда 319** млрд. сўмни (*14,3 фоиз*), **Асакабанкда 216** млрд. сўмни (*9,7 фоиз*) ташкил этмоқда.

Сўндирилган ипотека кредитларининг кредит графигига нисбати **Ипотека-банкда 206** фоизни (*кредит графигиган нисбатан 332,7 млрд сўм қўп сўндирилган*), **Асакабанкда 179** фоизни (*+138,5 млрд. сўм*), **Миллийбанкда 141** фоизни (*+186,3 млрд. сўм*), **Қишлоқ қурилиш абанкда 135** фоизни (*+312,3 млрд. сўм*) ташкил этмоқда. (25-расм).


### 2021 йилда сўндирилган жами ипотека кредити миқдори, млрд. сўмда



Шунингдек, 2021 йилда **166** минг нафардан ортиқ фуқароларнинг жами **2 228,0** млрд. сўм (*кредит графигига нисбатан 2,6 баробарга ёки 1 359,1 млрд. сўмга кўп*) миқдордаги ипотека кредитлари сўндирилган бўлиб, 2020 йилда сўндирилган **1 314,0** млрд. сўм миқдордаги ипотека кредитларидан 1.7 баробарга кўп демакдир.

Жумладан, **Тошкент вилоятида 273** млрд. сўм (*жами сўндирилган ипотека кредитларининг 12,2 фоизи*), **Сурхондарёда 237** млрд. сўм (*10,6 фоиз*), **Қашқадарёда 219** млрд. сўм (*9,8 фоизи*), **Самарқандда 215** млрд. сўм (*9,7 фоизи*) миқдордаги ипотека кредитлари сўндирилди. (26-расм).


### 2021 йилда сўндирилган жами ипотека кредити миқдори, млрд. сўмда



Таҳлилларга кўра, 2022 йил якунига қадар барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан ажратилган ипотека жами **1 236,2** млрд. сўми, жумладан, **Тошкент шаҳрида 233** млрд. сўм (жами сўндирилиши қутилаётган ипотека кредитларининг 18,9 фоизи), **Қашқадарёда 115** млрд. сўм (9,3 фоизи), **Самарқандда 113** млрд. сўм (9,2 фоизи), **Қорақалпоғистон Республикасида 107** млрд. сўм (8,7 фоиз) тўлиқ сўндирилиши қутилмоқда. (27-расм).

27-расм

**2021 йилда тижорат банклари томонидан ажратилган ипотека кредитларининг сўндирилиши қутилаётган миқдори, млрд. сўмда**



## 2017-2021 йилларда аҳолига ажратилган ипотека кредитлари

млрд. сўмда

№	Худудлар номи	Жами ажратилган кредитлар		шундан										Жами ажратилган кредитлар қолдиғи (01.01.2022 й.)
				2017 йил		2018 йил		2019 йил		2020 йил		2021 йил		
				сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	
<b>ЖАМИ</b>		<b>279 785</b>	<b>35 765,0</b>	<b>36 124</b>	<b>4 082,3</b>	<b>39 556</b>	<b>4 788,7</b>	<b>67 261</b>	<b>7 977,5</b>	<b>77 274</b>	<b>9 122,3</b>	<b>59 570</b>	<b>9 794,1</b>	<b>35 825,7</b>
1	Қорақалпоғистон Республикаси	19 905	2 217,4	2 651	284,7	2 977	370,2	5 538	653,2	5 277	534,3	3 462	374,9	2 113,4
2	Андижон вилояти	14 950	2 050,0	1 715	184,6	1 965	231,9	3 950	475,7	3 367	457,1	3 953	700,8	2 277,0
3	Бухоро вилояти	14 697	1 714,8	2 266	260,2	2 380	287,5	3 433	444,2	3 568	300,2	3 050	422,7	1 654,1
4	Жиззах вилояти	12 468	1 560,7	1 893	191,9	2 011	214,7	3 579	519,4	3 197	382,0	1 788	252,6	1 587,9
5	Қашқадарё вилояти	24 390	2 518,2	4 395	534,9	4 693	620,8	5 061	500,7	6 695	435,8	3 546	426,0	2 532,8
6	Навоний вилояти	11 882	1 358,7	1 851	165,1	2 036	201,8	2 218	185,8	2 775	337,8	3 002	468,3	1 539,9
7	Наманган вилояти	17 256	1 819,7	2 050	191,6	2 309	226,0	4 473	468,6	4 370	319,8	4 054	613,7	1 888,2
8	Самарқанд вилояти	24 537	3 249,8	3 394	406,1	3 598	441,6	6 199	646,8	6 492	871,8	4 854	883,5	3 249,4
9	Сурхондарё вилояти	20 387	2 510,4	2 442	300,5	2 659	348,7	4 587	543,3	5 854	587,7	4 845	730,1	2 494,4
10	Сирдарё вилояти	8 609	1 041,0	1 254	121,5	1 320	148,2	2 125	194,4	2 215	317,2	1 695	259,7	1 175,5
11	Тошкент вилояти	26 291	2 811,2	2 788	234,8	3 480	329,8	7 593	865,3	7 502	690,6	4 928	690,8	2 774,0
12	Фарғона вилояти	23 977	2 603,8	2 909	311,5	3 282	375,3	5 707	502,9	5 829	496,8	6 250	917,2	2 675,6
13	Хоразм вилояти	14 203	1 344,8	1 777	218,5	1 833	253,5	2 798	277,9	4 389	207,4	3 406	387,4	1 522,8
14	Тошкент шаҳри	46 233	8 964,3	4 739	676,5	5 013	738,6	10 000	1 699,1	15 744	3 183,7	10 737	2 666,3	8 340,8

## 2017-2021 йилларда аҳолига ажратилган ипотека кредитлари

млрд. сўмда

№	Тижорат банклари номи	Жами ажратилган кредитлар		шундан										Жами ажратилган кредитлар қолдиғи (01.01.2022 й.)
				2017 йил		2018 йил		2019 йил		2020 йил		2021 йил		
				сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	
<b>ЖАМИ</b>		<b>279 785</b>	<b>35 765,0</b>	<b>36 124</b>	<b>4 082,3</b>	<b>39 556</b>	<b>4 788,7</b>	<b>67 261</b>	<b>7 977,5</b>	<b>77 274</b>	<b>9 122,3</b>	<b>59 570</b>	<b>9 794,1</b>	<b>35 825,7</b>
1	Ипотекабанк	97 015	11 841,1	12 309	1 277,0	12 767	1 406,3	19 652	2 616,9	32 763	3 637,5	19 524	2 903,4	10 959,3
2	Асакабанк	25 553	3 371,0	3 024	364,2	3 384	422,8	9 820	1 146,1	7 303	1 070,9	2 022	367,0	3 244,3
3	Миллийбанк	37 715	4 370,0	5 282	593,8	6 282	745,5	8 068	812,1	8 907	774,2	9 176	1 444,4	4 537,5
4	Ўзсаноатқурилишбанк	24 863	3 470,4	2 959	339,1	3 227	394,8	8 428	988,1	6 787	1 144,9	3 462	603,4	3 271,6
5	Халқ банки	16 708	1 789,5	2 728	308,1	2 952	380,3	4 420	331,2	4 137	389,9	2 471	379,9	1 633,2
6	Алоқабанк	2 386	486,2	440	79,6	526	94,8	595	120,7	434	105,3	391	85,7	399,0
7	Қишлоққурилишбанк	57 696	6 586,8	8 004	872,6	8 853	1 055,9	12 951	1 370,7	13 554	1 105,6	14 334	2 182,1	8 448,9
8	Микрокредитбанк	3 092	592,1	451	70,5	512	80,5	345	66,6	669	150,9	1 115	223,6	503,0
9	Агробанк	2 244	467,1	68	10,6	71	11,5	385	79,0	569	151,8	1 151	214,2	462,2
10	Туронбанк	2 100	446,2	50	8,5	64	10,3	351	75,6	457	118,2	1 178	233,4	431,0
11	Бошқа банклар	10 413	2 344,6	809	158,2	918	185,9	2 246	370,4	1 694	473,1	4 746	1 157,0	1 935,8



## 2021 йилда аҳолига ажратилган ипотека кредитлари

млрд. сўмда

№	Худудлар номи	Ажратилган кредитлар		шундан		манбаи бўйича				фоиз ставкаси бўйича	
				бирламчи бозорга	иккиламчи бозорга	банк ўз маблағлари	бюджет маблағлари	молия вазирлиги маблағлари	Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси	йиллик 14 фоизгача	йиллик 14 фоиздан юқори
				сони	жами	суммаси	суммаси	суммаси	суммаси	суммаси	суммаси
<b>ЖАМИ</b>		<b>59 570</b>	<b>9 794,1</b>	<b>7 351,5</b>	<b>2 442,6</b>	<b>867,1</b>	<b>2 124,0</b>	<b>4 846,2</b>	<b>1 956,8</b>	<b>3 309,6</b>	<b>6 484,5</b>
1	Қорақалпоғистон Республикаси	3 462	374,9	246,0	129,0	28,1	98,4	125,0	123,4	108,1	266,8
2	Андижон вилояти	3 953	700,8	523,9	176,9	20,9	56,0	504,5	119,4	214,2	486,6
3	Бухоро вилояти	3 050	422,7	324,4	98,4	3,7	74,3	255,2	89,6	172,1	250,6
4	Жиззах вилояти	1 788	252,6	197,1	55,6	30,3	35,4	134,8	52,2	88,9	163,8
5	Қашқадарё вилояти	3 546	426,0	338,2	87,8	12,9	110,2	210,2	92,7	214,2	211,8
6	Навоний вилояти	3 002	468,3	283,9	184,4	6,5	32,7	260,2	169,0	60,8	407,4
7	Наманган вилояти	4 054	613,7	544,5	69,3	7,3	153,2	385,2	68,0	286,4	327,3
8	Самарқанд вилояти	4 854	883,5	804,8	78,7	9,6	114,7	682,3	76,9	359,2	524,2
9	Сурхондарё вилояти	4 845	730,1	671,0	59,2	31,6	161,0	483,0	54,5	233,4	496,7
10	Сирдарё вилояти	1 695	259,7	199,6	60,1	63,3	73,7	70,8	51,9	111,9	147,7
11	Тошкент вилояти	4 928	690,8	446,9	244,0	54,5	276,4	130,2	229,7	239,6	451,3
12	Фарғона вилояти	6 250	917,2	797,7	119,5	41,5	151,4	624,4	99,9	360,4	556,8
13	Хоразм вилояти	3 406	387,4	246,8	140,7	5,6	130,0	127,5	124,4	166,0	221,5
14	Тошкент шаҳри	10 737	2 666,3	1 727,0	939,3	551,4	656,7	853,0	605,3	694,4	1 972,0

## 2021 йилда аҳолига ажратилган ипотека кредитлари

млрд. сўмда

№	Тижорат банклари номи	Ажратилган кредитлар		шундан		манбаи бўйича				фоиз ставкаси бўйича	
				бирламчи бозорга	иккиламчи бозорга	банк ўз маблағлари	бюджет маблағлари	молия вазирлиги маблағлари	Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси	йиллик 14 фоизгача	йиллик 14 фоиздан юқори
				сони	жами	суммаси	суммаси	суммаси	суммаси	суммаси	суммаси
<b>ЖАМИ</b>		<b>59 570</b>	<b>9 794,1</b>	<b>7 351,5</b>	<b>2 442,6</b>	<b>867,1</b>	<b>2 124,0</b>	<b>4 846,2</b>	<b>1 956,8</b>	<b>3 309,6</b>	<b>6 484,5</b>
1	Ипотекабанк	19 524	2 903,4	2 478,7	424,6	137,5	783,1	1 644,2	338,6	1 536,7	1 366,6
2	Асакабанк	2 022	367,0	141,7	225,3	13,3	9,6	100,3	243,7	25,3	341,7
3	Миллийбанк	9 176	1 444,4	1 303,6	140,9	46,2	767,7	571,2	59,4	792,6	651,8
4	Ўзсаноатқурилишбанк	3 462	603,4	170,9	432,5	40,9	50,6	92,2	419,7	105,5	497,9
5	Халқ банки	2 471	379,9	324,2	55,6	68,3	25,4	260,8	25,3	83,0	296,8
6	Алоқабанк	391	85,7	84,8	0,9	10,4		75,3		0,0	85,7
7	Қишлоққурилишбанк	14 334	2 182,1	1 932,3	249,7	86,8	479,7	1 404,2	211,3	719,7	1 462,4
8	Микрокредитбанк	1 115	223,6	206,5	17,1	15,9		207,7		0,2	223,5
9	Агробанк	1 151	214,2	101,0	113,2	1,3		104,6	108,4	0,5	213,7
10	Туронбанк	1 178	233,4	86,4	147,1	25,2		57,1	151,1	0,4	233,1
11	Бошқа банклар	4 746	1 157,0	521,4	635,5	421,4	7,8	328,5	399,2	45,7	1 111,3

2020-2021 йиллар мобайнида “Янги тартиб” доирасида ва Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси маблағлари ҳисобидан аҳолига ажратилган ипотека кредитлари

млрд.сўмда

№	Худудлар номи	Жами ажратилган ипотека кредитлари		шундан							
				янги тартиб доирасида		шундан, субсидия асосида ажратилган кредитлар		Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси маблағлари ҳисобидан		шундан, иккиламчи бозорга	
				сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси
<b>ЖАМИ</b>		<b>41 432</b>	<b>8 612,0</b>	<b>30 529</b>	<b>6 593,2</b>	<b>10 787</b>	<b>2 420,8</b>	<b>10 903</b>	<b>2 018,8</b>	<b>10 560</b>	<b>1 992,0</b>
1	Қорақалпоғистон Республикаси	1 816	310,6	961	183,3	19	3,3	855	127,3	833	125,5
2	Андижон вилояти	3 400	737,5	2 781	617,3	897	192,4	619	120,2	579	117,4
3	Бухоро вилояти	2 474	444,2	1 945	354,1	997	181,7	529	90,1	516	89,1
4	Жиззах вилояти	1 076	224,6	765	171,8	288	70,9	311	52,9	273	50,3
5	Қашқадарё вилояти	1 749	345,6	1 170	252,4	400	94,4	579	93,2	565	92,2
6	Навоий вилояти	3 201	581,5	2 161	407,0	98	15,9	1 040	174,4	1 024	173,4
7	Наманган вилояти	2 746	512,6	2 300	442,2	1 396	286,1	446	70,4	425	69,0
8	Самарқанд вилояти	5 098	1 182,1	4 717	1 104,4	2 701	635,7	381	77,7	375	77,2
9	Сурхондарё вилояти	3 068	701,7	2 785	646,1	1 276	313,5	283	55,6	273	54,3
10	Сирдарё вилояти	698	141,9	400	89,6	60	15,7	298	52,3	275	50,6
11	Тошкент вилояти	2 328	404,9	826	163,8	87	20,2	1 502	241,1	1 479	239,1
12	Фарғона вилояти	4 878	899,0	4 165	798,5	1 180	234,2	713	100,5	669	97,3
13	Хоразм вилояти	1 745	294,5	1 026	167,0	210	42,8	719	127,4	674	123,9
14	Тошкент шаҳри	7 155	1 831,4	4 527	1 195,7	1 178	314,0	2 628	635,7	2 600	632,7

2020-2021 йиллар мобайнида “Янги тартиб” доирасида ва Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси маблағлари ҳисобидан аҳолига ажратилган ипотека кредитлари

млрд.сўмда

№	Тижорат банклари номи	Жами ажратилган ипотека кредитлари		шундан							
				янги тартиб доирасида		шундан, субсидия асосида ажратилган кредитлар		Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси маблағлари ҳисобидан		шундан, иккиламчи бозорга	
				сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси	сони	суммаси
<b>ЖАМИ</b>		<b>41 432</b>	<b>8 612,0</b>	<b>30 529</b>	<b>6 593,2</b>	<b>10 787</b>	<b>2 420,8</b>	<b>10 903</b>	<b>2 018,8</b>	<b>10 560</b>	<b>1 992,0</b>
1	Ипотекабанк	12 186	2 625,9	10 205	2 258,7	3 549	802,8	1 981	367,2	1 966	365,5
2	Асакабанк	2 090	410,3	788	166,6	304	72,2	1 302	243,7	1 259	240,4
3	Миллийбанк	3 697	821,2	3 468	761,9	1 469	345,3	229	59,4	192	56,6
4	Ўзсаноатқурилишбанк	3 245	622,4	828	178,0	253	61,1	2 417	444,5	2 417	444,5
5	Халқ банки	1 973	419,0	1 873	393,7	998	222,5	100	25,3	100	25,3
6	Алоқабанк	453	99,8	453	99,8	123	28,7				
7	Қишлоққурилишбанк	8 917	1 807,9	7 804	1 590,7	2 426	506,8	1 113	217,2	1 112	217,1
8	Микрокредитбанк	1 463	290,0	1 463	290,0	567	117,6				
9	Агробанк	1 514	295,2	857	184,1	567	127,2	657	111,1	653	110,7
10	Туронбанк	1 263	248,6	496	97,5	116	27,1	767	151,1	683	143,5
11	Ипак Йули банк	66	15,4	66	15,4	38	8,8				
12	Хамкор банк	2 662	462,1	325	62,8	61	13,9	2 337	399,2	2 178	388,4
13	Капитал банк	532	129,4	532	129,4	44	10,3				
14	Ориент финанс банк	1 371	364,7	1 371	364,7	272	76,7				

## 2021 йилда “Янги тартиб” доирасида аҳолига ажратилган ипотека кредитлари

млн.сўмда

№	Худуд номи	Жами		шундан									
				1 хонали квартира		2 хонали квартира		3 хонали квартира		4 ва ундан кўп хонали квартира		якка тартибдаги уй-жойлар	
		сони	кредит суммаси	сони	кредит суммаси	сони	кредит суммаси	сони	кредит суммаси	сони	кредит суммаси	сони	кредит суммаси
<b>ЖАМИ</b>		<b>22 602</b>	<b>4 846 213,9</b>	<b>1 079</b>	<b>220 065,0</b>	<b>10 752</b>	<b>2 222 376,5</b>	<b>7 925</b>	<b>1 955 777,1</b>	<b>503</b>	<b>127 993,2</b>	<b>2 343</b>	<b>320 002,0</b>
1	Қорақалпоғистон Республикаси	656	125 034,2	36	6 252,0	347	67 202,5	153	37 253,9	7	1 970,5	113	12 355,2
2	Андижон вилояти	2 328	504 498,5	51	9 812,5	1 141	230 388,4	784	197 311,7	46	12 452,8	306	54 533,1
3	Бухоро вилояти	1 410	255 182,9	54	8 191,9	729	128 658,4	417	89 374,5	18	4 158,9	192	24 799,2
4	Жиззах вилояти	616	134 757,3	53	11 007,0	190	44 120,4	193	50 687,0	16	4 523,9	164	24 418,9
5	Қашқадарё вилояти	969	210 198,3	33	6 145,1	569	123 681,7	251	65 536,1	17	3 701,6	99	11 133,7
6	Навоий вилояти	1 441	260 153,3	145	24 607,5	704	129 318,9	329	73 705,7	19	4 119,6	244	28 401,6
7	Наманган вилояти	1 973	385 218,2	51	11 297,3	896	173 920,2	899	180 246,8	31	6 729,1	96	13 024,8
8	Самарқанд вилояти	2 926	682 342,7	63	13 650,8	1 348	278 078,2	1 371	366 092,1	29	7 521,3	115	17 000,3
9	Сурхондарё вилояти	2 092	483 028,5	59	9 584,2	1 081	236 092,9	786	212 927,2	19	5 499,9	147	18 924,4
10	Сирдарё вилояти	332	70 795,2	11	2 240,8	114	29 816,5	82	24 335,6	4	1 164,1	121	13 238,2
11	Тошкент вилояти	639	130 197,2	34	6 343,2	236	52 210,6	182	44 291,9	15	4 040,9	178	24 124,7
12	Фарғона вилояти	3 291	624 374,4	48	8 383,3	1 568	276 110,4	1 229	261 973,0	147	34 681,0	299	43 226,7
13	Хоразм вилояти	802	127 464,5	6	878,3	282	46 942,7	217	39 319,7	28	5 502,6	269	34 821,2
14	Тошкент шаҳри	3 127	852 968,6	435	101 671,1	1 547	405 834,5	1 032	312 722,1	107	31 927,0		

## 2021 йилда “Янги тартиб” доирасида аҳолига ажратилган ипотека кредитлари

млн.сўмда

№	Тижорат банклари номи	Жами		шундан									
				1 хонали квартира		2 хонали квартира		3 хонали квартира		4 ва ундан кўп хонали квартира		якка тартибдаги уй-жойлар	
		сони	кредит суммаси	сони	кредит суммаси	сони	кредит суммаси	сони	кредит суммаси	сони	кредит суммаси	сони	кредит суммаси
<b>ЖАМИ</b>		<b>22 602</b>	<b>4 846 213,9</b>	<b>1 079</b>	<b>220 065,0</b>	<b>10 752</b>	<b>2 222 376,5</b>	<b>7 925</b>	<b>1 955 777,1</b>	<b>503</b>	<b>127 993,2</b>	<b>2 343</b>	<b>320 002,0</b>
1	Ипотекабанк	7 348	1 644 219,9	552	112 784,6	3 291	700 233,2	2 821	692 218,8	329	82 844,6	355	56 138,7
2	Асакабанк	478	100 305,3	66	12 041,8	181	38 621,2	135	34 701,6	16	4 106,1	80	10 834,7
3	Миллийбанк	2 623	571 205,1	73	13 263,0	945	197 705,5	963	264 973,7	10	3 018,4	632	92 244,5
4	Ўзсаноатқурилишбанк	443	92 163,3	9	1 343,3	214	46 445,4	99	25 782,9	40	10 666,1	81	7 925,6
5	Халқ банки	1 316	260 794,3	25	5 143,4	521	107 503,2	400	101 320,8	5	1 326,0	365	45 501,0
6	Алоқабанк	342	75 349,6	19	2 838,5	115	26 371,0	98	25 074,6	7	2 000,2	103	19 065,3
7	Қишлоққурилишбанк	6 854	1 404 232,8	3	576,6	4 226	836 813,7	2 283	531 808,5			342	35 033,9
8	Микрокредитбанк	1 067	207 725,2	36	6 251,6	410	75 028,7	427	95 787,8	40	8 309,0	154	22 348,2
9	Агробанк	498	104 564,7	8	1 363,4	190	36 592,1	241	56 433,0	10	3 015,0	49	7 161,3
10	Туронбанк	322	57 118,6	27	4 250,3	147	29 436,3	61	13 971,8	8	1 903,0	79	7 557,2
11	Ипак Ўули банк	38	9 105,0	3	554,4	15	3 307,2	19	4 961,8	1	281,6		
12	Хамкор банк	259	49 027,0	22	3 951,3	74	14 428,8	57	13 512,4	7	1 724,8	99	15 409,8
13	Капитал банк	130	32 555,8	29	6 669,0	55	12 028,7	42	12 630,0	4	1 228,1		
14	Ориент финанс банк	884	237 847,3	207	49 033,9	368	97 861,4	279	82 599,6	26	7 570,5	4	781,9

**2021 йилда Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси маблағлари  
хисобидан аҳолига ажратилган ипотека кредитлари**

млн.сўмда

№	Худудлар номи	Ажратилган кредитлар		шу жумладан					
				бирламчи бозордаги уй-жойлар учун		иккиламчи бозордаги уй-жойлар учун		уй-жойни таъмирлаш учун	
		сони	кредит суммаси	сони	кредит суммаси	сони	кредит суммаси	сони	кредит суммаси
<b>ЖАМИ</b>		<b>10 570</b>	<b>1 956 835,7</b>	<b>11</b>	<b>2 388,8</b>	<b>10 235</b>	<b>1 931 247,3</b>	<b>324</b>	<b>23 199,6</b>
1	Қорақалпоғистон Республикаси	832	123 396,1	1	100,5	810	121 558,6	21	1 737,0
2	Андижон вилояти	614	119 351,9			574	116 577,1	40	2 774,8
3	Бухоро вилояти	525	89 565,4	1	180,0	512	88 573,4	12	812,0
4	Жиззах вилояти	307	52 187,2			269	49 592,5	38	2 594,7
5	Қашқадарё вилояти	575	92 720,5			563	91 888,5	12	832,0
6	Навоий вилояти	1 005	168 974,4			989	167 992,9	16	981,5
7	Наманган вилояти	428	68 031,1			408	66 745,1	20	1 286,1
8	Самарқанд вилояти	375	76 860,4			369	76 404,5	6	455,8
9	Сурхондарё вилояти	279	54 507,9	3	826,3	269	53 207,6	7	474,0
10	Сирдарё вилояти	295	51 879,7			272	50 204,2	23	1 675,5
11	Тошкент вилояти	1 438	229 722,8			1 417	228 227,1	21	1 495,8
12	Фарғона вилояти	708	99 928,1	1	60,0	664	96 762,1	43	3 106,0
13	Хоразм вилояти	700	124 400,5	2	306,0	655	120 880,0	43	3 214,5
14	Тошкент шаҳри	2 489	605 309,7	3	916,0	2 464	602 633,7	22	1 760,0



2021 йилда Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси маблағлари  
хисобидан аҳолига ажратилган ипотека кредитлари

млн.сўмда

№	Тижорат банклари номи	Ажратилган кредитлар		шу жумладан					
				бирламчи бозордаги уй-жойлар учун		иккиламчи бозордаги уй-жойлар учун		уй-жойни таъмирлаш учун	
		сони	кредит суммаси	сони	кредит суммаси	сони	кредит суммаси	сони	кредит суммаси
<b>ЖАМИ</b>		<b>10 570</b>	<b>1 956 835,7</b>	<b>11</b>	<b>2 388,8</b>	<b>10 235</b>	<b>1 931 247,3</b>	<b>324</b>	<b>23 199,6</b>
1	Ипотекабанк	1 813	338 606,7			1 806	338 068,9	7	537,8
2	Асакабанк	1 302	243 712,1			1 259	240 436,1	43	3 275,9
3	Миллийбанк	229	59 357,2			192	56 623,2	37	2 734,0
4	Ўзсаноатқурилишбанк	2 294	419 719,2			2 294	419 719,2		
5	Халқ банки	100	25 340,2			100	25 340,2		
6	Қишлоққурилишбанк	1 081	211 349,7			1 080	211 279,7	1	70,0
7	Агробанк	647	108 364,5	3	340,5	643	107 944,0	1	80,0
8	Туронбанк	767	151 138,0	7	1 832,3	683	143 481,7	77	5 823,9
9	Хамкор банк	2 337	399 248,2	1	216,0	2 178	388 354,2	158	10 677,9